

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кељаги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 19 сентябрь, № 204 (8266)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент жаноблари!

Менинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифим ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида иштироким ақуллангани муносабати билан Хитой делегациясининг барча аъзолари номидан ва шахсан ўз номидан Сиз, Президент жанобларига, Хукуматингизга ва Ўзбекистон халқига самимий меҳмондўстлик ва ташкил этилган тадбирлар учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонда Сиз билан очиқ, батафсил ва сермахсул музокаралар олиб бордик, икки томонлама ҳамкорлик масалаларининг кенг доираси юзасидан ҳамда бизларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашдик ва яқдилликка эришдик.

Биз Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Кўшма баёнот имзоладик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик учун кенг истикболлар очадиган, унга кучли суръат бағишлайдиган, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги даражага олиб чиқадиган Хитой — Ўзбекистон тақдирининг муштараклигини барпо этиш ҳақида эълон қилдик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити улкан муваффақият қозонди ҳамда Ташкилотнинг соғлом ва барқарор тараққиётига хизмат қилишда тарихий аҳамият касб этди. Хитой Ўзбекистоннинг самарали раислигини ва Ташкилот ривожига қўшган муҳим ҳиссасини юксак қадрлайди. Биз Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар билан “Шанхай руҳи”ни фаол илгари суриш ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада кенг ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Самарқанд саммитининг бирдамлигини рўёбга чиқаришга тайёрмиз.

Президент жаноблари, Сиз билан ўртаимзда қарор топган конструктив амалий муносабатлар ва қалин дўстликни қадрлайман. Сиз билан бундан буён ҳам яқиндан мулоқот қилишга, икки томонлама кун тартибидagi асосий масалалар юзасидан ўз вақтида ахборот алмашишга ҳамда халқларимиз фаровонлиги ва дўстлиги йўлида узлуксиз саъй-ҳаракат қилишга тайёрман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, рафиқаннинг З.М.Мирзиёева хонимга самимий саломни ва энг эзгу тилакларини етказмоқчиман. Сизни рафиқангиз билан бирга ўзингиз учун қўлай вақтда Хитойга ташриф билан келишга таклиф қиламан.

Сизга, Президент жаноблари ҳамда З.М.Мирзиёева хонимга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистонга раванқ, ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман!

Самимий хурмат билан,

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Пекин шаҳри



САМАРҚАНД САММИТИДАГИ КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР

барқарорлик, хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилади



Самарқандда шу йил 15-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 22-саммити юқори натижалар билан ўз ишини якунлади. Ўзбекистон раислигида халқаро ташкилот фаолияти самарали бўлганлиги ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан алоҳида қайд этилди.

Самарқанд саммитида кенг кўламли масалалар муҳокамада бўлгани ҳамда бир қатор гоят илгор қарорлар қабул қилинганини таҳлил этар эканмиз, янги феномен — ШХТнинг ўзига хос “Самарқанд руҳи” кузатилди, деб айтишга барча асосимиз бор. Биринчидан, 44 та ҳужжат имзоланиб, ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичга эришилди. Бу ҳали кузатилмаган воқелик. Улар нафақат ШХТ фаолиятининг ҳозирги йўналишларини қамраб олади, балки янги формат ва механизмларни бошлаб беради. Айниқса, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик, sanoat ва технологиялар кооперацияси, рақамли тараққиёт ва “ашил энергетика” борасидаги концептуал дастурларни қайд этиш лозим.

Таҳлил

Иккинчидан, ШХТ иштирокчилари таркибини кенгайтириш бўйича жуда муҳим натижаларга эришилди. Ташкилотга аъзолик бўйича Эрон билан меморандум имзоланди, Беларусини тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиш жараёнини бошлашга қарор қилинди, Баҳрайн, Кувайт, Бирлашган Араб Амириклари, Мальдив ва Мьянма мулоқот бўйича шерик мақомини олди. Учунчидан, ташкилотнинг 20 йилдан ортқ тарихида биринчи бор аъзо давлатлар раҳбарлари ШХТни такомиллаштириш ва модернизациялашга қаратилган тарихий қарорни қабул қилдилар. Ушбу йирик сиёсий қадам замирида иштирокчи мамлакатларнинг ШХТ фаолияти, мақсад ва вазифаларини янги воқеликка мослаштиришга интилиши ётади. Бундан ташқари, ушбу қарор ташкилот бир жуда тўхтаб қолмаслиги, замон халқаро ҳамнафас бўлиши шарт ва у бунга қодир эканидан далolat.

Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараққий этган эмас. Чунки мураккаб дунёнинг кўпдан-кўп муаммолари айнан ҳамкорликда, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобатлашиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига қатъий амал қилинади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистон ШХТ каби мулоқот ва ҳамкорлик майдони ҳисобланган ташкилот билан манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳолиси жиҳатидан энг катта мамлакат. Минтақада жами 70 миллиондан зиёд аҳоли яшаса, унинг тенг ярми мамлакатимизда истиқомат қилади. Бундан ташқари, халқимиз жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган бой маънавий меросга эга. Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий, илмий, маънавий-маърифий салоҳияти ҳам жуда катта.



Фикр

ТАШКИЛОТ ТАРКИБИ КЕНГАЙИБ, ШЕРИКЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида тузилма доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга, шунингдек, хавфсизлик масалалари билан бир қаторда, савдо-иқтисодий ҳамда гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратди.

Бу кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида, ҳар бир давлат билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олишга имконият яратиб берди.

Президентимиз Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида айтганидек, ташкилот фаолиятининг барча соҳасида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди.

Айниқса, пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамай, кўзланган режалар тўлиқ амалга оширилди. Буни саксондан ортқк йирик тадбирлар ўтказилгани, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар саммит доирасида қабул қилинган қирқдан ортқк ҳужжатларда ўз ифодасини топгани мисоллар ҳам кўриш мумкин.

Бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти очкиклик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда, десак, муҳола бўлмайди. Зеро, ўтган даврда ташкилот тарихи кенгайиб, шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётир.

Мухтасар айтганда, ҳозир дунё нигоҳи бизда экан, кўзланган мақсадларимизга эришишда Президентимиз олиб бораётган одилона сиёсат, изчил ислохотлар сари дадил қадам ташлаётган халқимизни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтаата олмайди.

Турсуной МУРОДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Халқаро экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА ТУЗИЛМАНING НУФУЗИ ВА САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛДИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси, унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ижтимоий-сиёсий ва таҳлил доиралари вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

Дунё нигоҳи

Сиддхарт САКСЕНА,
Марказий Осиё бўйича
Кембриж форуми раҳбари
(Буюк Британия):

— Биз бетакор Самарқанд шаҳрида маданиятлараро мулоқот ва маданиятлар кесишган масканда йирик воқеанинг гувоҳи бўлдик.

Айнан мазкур шаҳарда Президент Шавкат Мирзиёев ҳамжихатлик борасидаги муҳим ташаббусларни илгари суриди. Айтиш мумкинки, “Самарқанд

руҳи” келажақдаги халқаро муносабатлар ва глобал ўзаро таъсир доирасида алоҳида аҳамият касб этади.

“Самарқанд руҳи”нинг бирлаштирувчи кучи дунёнинг энг йирик давлатлари раҳбарлари Самарқандда тўпланиб, Ўзбекистон раислигида инсоният катта қисмининг тараққиётини белгилайдиган технологиялар, атроф-муҳит, энергетика, инсон капитали ва бошқа қатор муҳим мавзуларда конструктив мулоқот ўтказганлигида намоён бўлди.

“Самарқанд руҳи” ўзаро ҳамжихатликка эришишга ўз ҳиссасини қўшгани кўзга яққол ташланди. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан буён мамлакатда ҳаётга таътиб этилаётган кенг кўламли ўзгаришлар шароитида амалга оширган ташаббуслари минтақа давлатларини бир-бирига яқинлаштириш орқали нақадар улкан натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Хумоюн ХОН,
халқаро муносабатлар бўйича
эксперт (Покистон):

— Минтақаларо ўзаро боғлиқлик фаровонлиқнинг асосий шартидир. Тарих шунини кўрсатадики, минтақавий боғлиқлик ҳамжихатликка ва ўзаро биродарликка олиб келади.

Ҳозирги вақтда Осиёнинг турли минтақалари ва суб-минтақалари ўртасидаги алоқаларни дунёнинг бошқа худудлари билан таққослаш мушкул. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бу борадаги мавҳуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганини яна бир бор қайд этди. ШХТга раислик даврида Ўзбекистон



Президенти ташкилот доирасида амалий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширди. ШХТ салоҳияти ва халқаро нуфузини юксалтириш, хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш учун Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш мақсадида эътиборга молик ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида ташкилотнинг келажаги бўйича диққатга сазовор таклифларни илгари суриди. ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини ташкил этиши, 2023 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги ёндашуларни топшиш ва ҳоказолар шулар сирасига киради.

Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида ташкилотнинг нуфузи ва салоҳияти янада ошди.

Аҳмад МУСЛИМАНИЙ,
«Қоҳира» сиёсий тадқиқотлар
маркази директори (Миср):



— Қадимий ва буюк тарихга эга Самарқанд Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳамкорликка қаратилган ташаббусларини намоёиш этувчи йирик халқаро тадбирга мезбонлик қилди.

Мамлакатнинг ШХТдаги мазкур рағбатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўри келди.

Глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч чуқур таназулга юз тутаётган бир пайтда ушбу нуфузли саммитда Ўзбекистон раҳбари конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва хурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликка алоҳида урғу берди.





САМАРҚАНД САММИТИДАГИ КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР барқарорлик, хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилади

1 Янги Ўзбекистонда бошланган ислохотлар йўли, ташқи сиёсатдаги дадил қадамлар, таклиф ва ташаббуслар жаҳон майдонидида эришган ютуқларимиз бизни кўраи заминга янада кенгрок танитди. Амалда халқимиз кимларнинг авлоди эканини, нималарга қодирлигини намоён этди. Дунё бизга ҳурмат кўрсатишга, биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга киришди. ШХТнинг Самарқанд саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Ўзбек дипломатиясининг нималарга қодирлигини кўз-кўз қилди.

Саммитнинг алоҳида хусусияти шундаки, анжуманда илк бор кенг доирадаги иштирокчилар, 14 та давлат раҳбарлари, яъни ШХТга аъзо барча мамлакатлар етакчилари, қузатувчи давлатлар (Беларусь, Эрон, Мўғулистон), шунингдек, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон Президентлари катнашди. Кўтарилган масалалар орасида ШХТга аъзо мамлакатлар ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш концепцияси, "ақли" қишлоқ ҳўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлатиш бўйича ҳамкорлик дастури, инфратизимни ривожлантириш, саноат кооперациясини рағбатлантириш, рақамли саводхонликни ошириш ва ҳудудлараро савдони кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси, юкумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича "йўл хариталари"ни қайд этиш мумкин.

ШХТга аъзо давлатларнинг узок муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик иқлим ўзгаришига шартномаси бандларини амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг иқлим ўзгаришига муносиб жавоб бериш бўйича Қўшма баёноти қабул қилиниши алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу ҳужжатлар кўп томонлама шерикликнинг янги йўналишларини белгилаб бериш баъорарида, аъзо давлатлар сайёҳаракатини бирлаштириш ва бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдидан турган чақирқиқларга биргаликда жавоб беришга қаратилган.

Олий даражадаги учрашув ва саммитнинг халқаро тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича кун тартиби долзарблигини кўрсатуви яна бир омил шуки, анжуманда биринчи марта БМТ, БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва сиёсий комиссияси, ЮНЕСКО, МДҲ, КХШТ, ЕОИИ, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чораларини кўчатириш кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН), Араб давлатлари лигаси каби кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон томонидан кўплаб мамлакатлар, қолаверса, ҳудудга кирмайдиган давлатлар манфаатини илгари сурувчи халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг Самарқандга таклиф этилиши, ушбу қарорларни ШХТ таркибидидаги барча давлатларнинг қўллаб-қувватлаши жаҳонда кучайиб бораётган ишончсизликни бартараф қилиш, халқаро муносабатларни конструктив ривожланиш йўналишига буриш ва барчанинг манфаатига жавоб берадиган

хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётга сезиларли туртки бўладиган халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон раҳбариятининг кўп томонлама мулоқот учун самарали платформа яратиш йўлидаги қатъий интилишини аналтади.

Дарҳақиқат, Самарқанд саммити халқаро муносабатлар тизимига бўлган ишонччи тиклашга муҳим ҳисса қўшиши, давлатлараро ва кўп томонлама ҳамкорлигининг мулоқот ва ўзаро тушунишга асосланган янги босқичга кўтарилиши учун ўзига хос бошлангич нуқтага айланди. Шу билан бирга, хорижий давлатлар ва ташкилотларнинг бўлажак саммитда иштирок этиши, ШХТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни тан олинишидан, ўзаро бирдамликнинг самарали механизми ва халқаро кун тартибидидаги масалаларни ҳал этишда муҳим шерик сифатидаги нуфузи сезиларли даражада ошганидан далолат. Шубҳасиз, бу кўп қиррали мулоқотни йўлга қўйиш, глобал ва минтақавий кун тартибидидаги долзарб масалаларга ўзаро мақбул ечимларни биргаликда излаш борасида ишончли воситачи сифатида ҳаракат қила оладиган Ўзбекистонга нисбатан юксак ишонч ифодасидир.

ШХТ ядросини Марказий Осиё давлатлари ташкил этади. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик, конструктив, мувоозанатли ва ташаббускор ташқи сиёсат туфайли Марказий Осиё тарихан қисқа даврда яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик минтақасига айланиб, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро муаммоларни ечишга улкан ҳисса қўшувчи давлат сифатида қабул қилиниши қатъий мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг амалга ошираётган янги ташқи сиёсати ШХТ саммити довомида муносиб баҳоланди. Хусусан, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг эътирофича, Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланади ва алоҳида роль ўйнайди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг қок юрагида жойлашган йирик давлат. Мустақиллик эълон қилингандан бошлаб ўтган 31 йил ичида мамлакатда давлат ривожланиши ва миллий тикланиш борасида юксак натижаларга эришилди, — дейди ХХР Раиси ўзбек матбуотида берган интервьюсида. — Алоҳида таъкидлаш керак, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзбек халқи янги Ўзбекистонни барпо этиш сари буюк йўлга тушиб олди. Турли соҳалардаги ислохотлар ва тараққиёт суръати жадал тус олди. Мамлакат мутлақо янги қиёфага эга бўлди, муносиб ҳаёт шароити яратилмоқда, республиканинг халқаро майдондаги мавқеи сезиларли равишда мустаҳкамланди. Самимий дўст ва ҳар томонлама стратегик ҳамкор сифатида муваффақиятларингиз бизни чин юракдан қувонтиради... Биз Ўзбекистонни олдинга тез одимлаб бораётган тараққиёт "экспресси" бортида кўришдан мамнунмиз.

Мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти ШХТ саммити чоғида хорижий эксперт ва сиёсий доиралар вакиллари томонидан ҳам эътироф қилинди.

Озарбайжонлик эксперт Ризван

Гусейновнинг фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари, хусусан, ШХТ доирасида илгари сурган ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни очди. Республика мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш госяси



дан иборат кун тартибини илгари сурмоқда. Хитойнинг Қозғистондаги Медиакорпорацияси шеф-муҳбири Ван Дэлунинг қайд этишича, узок вақт регионал жараёнлардан четда бўлган Ўзбекистон бугунги кунда янги ҳаракат қилмоқда. Минтақа юраги ҳисобланган Тошкент ташқи сиёсатдаги дадил қадамлари билан Марказий Осиёда барқарорлаштирувчи давлат табиий ролини ўзига қайтариб олмақда.

Хиндистоннинг Ўзбекистондаги Факулда ва муҳтор элчиси Маниш Прабхат ҳам Ўзбекистон ШХТ доирасида амалий тақлифларни илгари суриб, ташкилотнинг қисқа вақтда ҳурмат-эътибор қозонишига муносиб ҳисса қўганини эътироф этди.

— Албатта, минтақда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан, Афғонистонда тинчликни таъминлаш Самарқанд саммити кун тартибидидаги муҳим масалалардан бири бўлганлиги эътиборни тортади, — дейди элчи. — Хусусан, Ўзбекистон раҳбари ўз нуқтаи қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ҳар томонлама қўмаклашиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни кўчатириш ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозимлиги алоҳида уруғ бергани ҳам бежиз эмас. Чунки расмий Тошкент Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўради ва Жанубий Осиё минтақаси билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамловчи кўприк бўлиши кераклигини кўпдан бери таъкидлаб келади. Бугунги кунда нуфузи янада ортиб бораётган ШХТ ташкилот доирасидаги нафақат кўп томонлама ҳамкорлик, балки улпар доирасида давлатлар ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳам мустаҳкамланаётганлиги ва янги поғонага кўтарилаётганлиги алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бунинг исботи сифатида Самарқанд саммити довомида Ўзбекистон — Хиндистон, Ўзбекистон — Хитой, Ўзбекистон

— Эрон, Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг янги босқичи бошланганлигини айтиш мумкин.

Покистонлик эксперт Ҳумоюн Хоннинг таъкидлашича, Покистон Европадан Туркия ва Марказий Осиё орқали Жанубий

лиши лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишларни 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида яқунлаш белгиланган. Шунингдек, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишда томонларнинг иштироки,

молиялаштириш ва харажатларни тақсимлашга аниқлик киритилган. Дастлабки баҳоларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилганида юклари етказиб бериш муддатлари 7-8 сутка тезлашади, Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига йўл масофаси 900 километрга қисқаради.

Бундан ташқари, ШХТ саммити кенг қўлама, халқаро ва минтақавий ташкилотларни жалб этган ҳолда, кенгайтирилган таркибда ташкил қилиниши ҳам Ўзбекистоннинг очик ташқи сиёсат юритиши, халқаро ҳамжамият билан ҳар томонлама инклюзив мулоқотни давом эттириш ва ривожлантириш тарафдори эканлигидан дарак беради. Ўзбекистон бу масалада доим изчиллик кўрсатиб келган. Тошкент ташаббуси билан ШХТнинг таъсис ҳужжатларида, хусусан, Декларацияси ва Низомида ташкилотнинг очиклиги, халқаро ташкилотлар билан алоқани ривожлантириш асосий мақсадлар қаторида белгиланди. 2004 йил — Ўзбекистоннинг ШХТга биринчи раислиги вақтида ташкилотнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича қарор қабул қилинди. Кўп томонлама тузилмалараро алоқани ривожлантириш бўйича стратегик йўналиш шу йили Ўзбекистон ташаббуси кўра, ШХТнинг БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олиши билан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШХТ саммити арафасида эълон қилинган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқлиқдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақоласида давлатимиз раҳбарининг халқаро ва минтақавий ташкилотлар давлатлараро шериклигининг энг муҳим воситачиси бўлиб хизмат қилиниши, мамлакатларга ўзаро келишмовчиликларни енгиб ўтиш ва ўзаро англашуви мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ришталарни ривожлантириш, савдо-сотикни кенгайтириш ва маданий-гуманитар аламлини ривожлантиришга ёрдам беришини қайд этгани бежиз эмас. Қолаверса, бу ШХТнинг очиклик тамойилига содиқ қолаётгани, блоклардан холи экани ва фаолияти учинчи давлатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаганини яна бир бор исботлади. Шу нуқтаи назардан, Тошкент Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бундан кейин ҳам кенг халқаро ҳамкорлик учун очиклигини давом эттириши, сиёсий қарама-қаршилик ва конфронтицион рақобатга йўл қўймаслиги, яхши қўшничилик, тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилига амал қилиши, давлатларнинг ички ишига аралашмаслиги, оқилона муроосага асосланган ўзаро мақбул консенсус ечим излаши лозимлигини қайд этади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги ютуқлари, дадил қадамлари, Самарқанд саммити муваффақиятларини олдиндаги манзилнинг фақат бошланғичи, дейиш мумкин. Зотан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий фаровонликка, тараққиётга эришиш нафақат шу минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб беради, балки унинг қўшни регионлардаги хавфсизликка таъсири нуқтаи назаридан бутун Евроосиё китъасининг барқарор ривожланишига ҳам қўмаклашади.

Бошқа кўп томонлама ҳамкорлик институтлари самарадорлиги пасайиб бораётган бир шароитда ШХТнинг ушбу тамойилларга эътибор қаратиши халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан ШХТ билан шерикликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга қизқиқиб ортиб боришига асосий сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ШХТнинг бошқа давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар учун жозибадорлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Бугунги кунда Евроосиё ҳудудининг учдан икки қисми, дунё аҳолисининг 50 фоизи (3,4 миллиард), мавжуд табиий газ захирасининг 50,1 фоизи ШХТ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Тузилма улкан инсон ресурси, интеллектуал ва технология саноати соҳасидаги таъминоти, иқтисодий, иқтисодий ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида барча томонлар билан кенг мулоқот, ўзаро манфаатли алоқа ўрнатиш борасидаги ёндашуви эътиборга молик.

Бу, Самарқанд анжуманида таъкидланганидек, савдо ва сарможий алоқа узилишига, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги муаммолари кескинлашишига олиб келаётган, глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик даражасини пасайтираётган, табиий ва сув ресурслари етишмаслиги, биологик хилмаҳиллик камайиши, хавфли касалликлар тарқалишига сабаб бўлаётган, глобал даражада геосиёсий рақобат ва қарама-қаршилик келтириб чиқараётган чуқур ишончсизлик даврида муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мақоласида таъкидланганидек, ШХТ турли маданий ва цивилизация қодларга, ўз ташқи сиёсати йўналишларига ва миллий ривожланиш моделларига эга мамлакатлар билан бирлаштиришга муваффақ бўлган шўб давлатлараро тузилма ҳисобланади. ШХТнинг муваффақиятли концепцияси — минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Умуман, саммитда қўрилган ва қабул қилинган ҳужжатлар тўплами бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти жадал ривожланаётган халқаро тузилма сифатида намоён бўлганини, глобал стратегик барқарорликни таъминлаш тизимининг муҳим таркибий қисмига айланиганини, ўз тараққиётининг янги, янада масъулиятли босқичга қадам қўйганини аққол намойиш этди. Айни чоғда халқаро вазият тобора кескинлашиб ва таҳдидлар кучайиб бораётган ҳамда хавф-хатарларга қарши турувчи механизмлар заифлашаётган бир даврда ШХТнинг халқаро майдонда глобал иқтисодий ривожланиш драйверларидан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўзаро ишонч, умумий манфаат, тенглик, масъулашув, маданийлар хилмаҳиллигини ҳурмат қилиш, биргаликда ривожланиш истагига асосланган "Шанхай руҳи"га содиқлигини сақлаб қолиш ҳамда ШХТ Хартияси тамойилига қатъий риоя этиш, блоклардан холи мақом, очиклик, учинчи давлатларга ёки халқаро ташкилотларга қарши турмаслик, барча иштирокчилар тенг ҳуқуқлиги ва суверенитетини ҳурмат қилишни кафолатлаш ани жараён изчил ва барқарор ривожланишининг асосий шартидир. Фақат шу йўл билан ШХТ тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибадор маконга айланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Самарқанд саммити ва анжуманда илгари сурилган Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари тарихий роль ўйнайди. Бинобарин, самарали халқаро ҳамкорлик дунёни барқарор, ишончли ва фаровон қилади. Айнан шундай ёндашуш замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжият ҳал этиши, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.



Халқаро экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА ТУЗИЛМАНИНГ НУФУЗИ ВА САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛДИ

Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Миср ҳам халқаро майдонда нуфузи ошиб бораётган ШХТнинг минтақавий ролини инобатга олган ҳолда ушбу тузилма билан шериклик қилишдан манфаатдор. Айнан Самарқанд саммити доирасида Миср ва Қатар ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақомини олди, Араб давлатлари уюшмаси билан расмий шериклик ўрнатилди, ташкилотнинг аъзоси бўлиш учун Эрон томонидан мажбуриятлар тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги муваффақиятли ўтганлигидан далолат беради.

Мамлакатингиз ШХТ саммитига нафақат мазмун ва сиёсий жиҳатдан, шунингдек, ташкилий жиҳатдан ҳам юқори даражада тайёргарлик кўрганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Самарқанд шаҳри яқинида қад ростлаган “Буёқ Ипак йўли” халқаро туризм маркази, унинг таркибидagi Конгресс маркази, “Боқий шаҳар” мажмуаси, замонавий меҳмонхоналар ва бошқа иншоотлар саммит иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди. Янги барпо этилган мажмуалар ҳам қадимий ва навқирон Самарқандга сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақавий ҳамкорлик билан бир қаторда туризм масаласига алоҳида эътибор қаратиб, келгуси йилни “ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилишни тақлиф этгани Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат сайёҳлик соҳасига алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Казуhide ШИГЕМАЦУ, «Biotech Co., Ltd.» компанияси президенти, Япония — Ўзбекистон дўстлик ассоциацияси директорлар кенгаши аъзоси:



— ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ўртасидаги мулоқот алоҳида аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблайман. Саммит доирасида инновациялар, рақамлаштириш, “яшил иқтисодиёт”, энергетика ва озиқ-овқат инкирози, экология, атроф-муҳит муҳофазаси каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Мен Ўзбекистон ҳақида кўплаб тақдиримиз

семинарлар ташкил этиш ҳамда мақолалар ёзиш орқали мамлакатингизни Япония жамоатчилиги орасида кенг оммалаштиришга ҳаракат қилиб келаман.

Япон ишбилармонлари ва мутахассислари Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан минтақадаги энг барқарор мамлакат, деб ҳисоблайди.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг фаоллашуви олиқшаймиш.

Санжай ПАНДЕЙ, Жавоҳарлал Неру университети ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё маркази профессори, сиёсий таҳлилчи (Ҳиндистон):

— ШХТнинг навбатдаги саммитида кўплаб ютуқларга эришилгани Президент Шавкат Мирзиёевнинг самарали раислиги натижасидир. Учрашув давомида ШХТнинг экстремизм, терроризм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича аъёнавий вазифалари билан бир қаторда инновациялар, тадбиркорлик, қашшоқликни қамқайтириш ва аъёнавий тиббийёт бўйича қарорлар қабул қилинди.

Учрашувда дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи ва ялпи маҳсулотнинг 30 фоизини ишлаб чиқарадиган ШХТнинг барча мамлакатлари учун



озик-овқат хавфсизлиги, халқаро энергия хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, хавфсиз ва барқарор таъминот заنجирини сақлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, саммит доирасида кўплаб икки томонлама учрашувлар ўтказилгани эътиборни тортди. Масалан, Ҳиндистон делегацияси Ўзбекистон, Россия, Эрон ва Туркия раҳбарлари билан мулоқотлар олиб борди. Саммитнинг ўзига хослиги шунда бўлдики, ташкилотга аъзо мамлакатларга икки томонлама алоқаларни ҳам муҳокама қилиш имкониятини берди. Бу жуда муҳим ютуқдир.

Ўзбекистонни ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси муваффақиятли ўтказилгани ва ташкилотга раислик даврида кўплаб марраларга эришилгани билан олиқшаймиш. Саммитда ШХТга раислик Ҳиндистонга ўтди ҳамда навбатдаги саммит бизнинг мамлакатимизда ташкил этилади.

«Дунё» АА.

Сенатор ва ҳаёт

МУРОЖААТЛАР КЎМИТА НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу тамойил бугун барча даражадаги раҳбарларнинг асосий вазифасига айланди.

Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Манзура Салимова фуқаролар қабулини ўтказди.

Унда Андижон, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 20 нафарга яқин фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Аниқ айтадиган бўлсак, қабул давомида фуқаролар суд-ҳуқуқ, уй-жой, тадбиркорлик, оилавий низо, моддий

ёрдам, ишга жойлаштириш ва бошқа масалалар бўйича мурожаат этди.

Яқунда қатор мурожаатлар бўйича фуқароларга ҳуқуқий тўшунтириш берилди. Ўчими вақт талаб этадиган мурожаатларни қаноатлантириш ва тегишли чораларни кўриш учун мутасадди вазирлик ҳамда идоралар, ҳудудлар маъсуллари иштирокида кўшимча ўрганишлар ўтказилиши маълум қилинди.

Мурожаатлар ижроси кўмита назоратига олинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ИЖРОСИ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Андижон вилоятида “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилиш ҳолатини назорат-таҳлил фаолияти тартибда ўрганди.

Ўрганиш

Дастлаб халқаро меъёрларга мос ҳолда ишлаб чиқилган “Миллий уруғчилик сиёсати”нинг ижро ҳолати, уруғчиликни ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатли стратегияси кўриб чиқилди. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида уруғчилик кластерлари, кичик уруғчилик ташкилотлари кўздан кечирилди.

Депутатлар Андижон вилоятида қонуннинг мақсад ва вазифалари доирасида иш қандай олиб борилаётгани, уруғчилик объектилари ва субъектларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг баҳорида ҳолатларини ҳудуднинг Андижон, Балиқчи ва Булоқбоши туманлари мисолида таҳлил этишди. Бунда уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб манфаатдор вазифаларнинг тўғри ижро этилиш ҳолатлари, ўзаро алоқаларнинг ўрнатилгани уларнинг диққат марказида бўлди.

Маълум бўлишича, юқоридаги туманларда фаолият олиб бораётган пахта тўқимачилик кластер корхоналари, фермер хўжаликлари ўртасида тендер ўтказилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштирувчи субъектлар танлаб олинган.

Вилоятда 2023 йил ҳосили учун 78 минг 991 гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинларидан пахтанинг “Андижон-35” нави 39 минг 244 гектар, “Андижон-36” нави 25 минг 12 гектар,

“Андижон-37” нави 8 956 гектар, истиқболли нав сифатида “УзПИТИТ-201” 2 232 гектар, “УзПИТИТ-202” 1 993 гектар, “УзПИТИТ-203” нави 786 гектар майдонларда ва 768 гектар майдонда “Шарқ” нави экилиши режалаштирилди. Ушбу навлар бугунги кунда юқори ҳосилдор нав сифатида тан олинди, янада мукамал амалиётдан ўтказилмоқда.

Шунингдек, ҳудудда келаси йил ҳосили учун 72 минг 500 гектар майдонларга қуғи бошоқли дон уруғларини экиш кўзда тутилган бўлса, галла ҳосили учун эса вилоятда белгиланган тартибда уруғлик галла етиштирувчи фермер хўжаликлари танлаб олинган. 2023 йилда 500 фермер хўжалигининг 7 703 гектар майдонларида уруғлик галла экилиб, 18 минг 130 тонна уруғлик дон жамғариш режалаштирилмоқда.

Ўрганиш давомида ҳудудда сабзаот ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, келаси йил ҳосили учун вилоятда 1 600 гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинларини экиш белгиланган.

Депутатлар ўрганиш давомида уруғчиликни лабораториядан ўтказиб, экинбоплик сифатларини аниқлаш ва реестр юритиш тартиби, шунингдек, уруғликларни етиштириш, тайёрлаш, ишлов бериш, сақлаш ва улاردан фойдаланиш ҳолатларини ҳам кўздан кечирди.

Ўрганишлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Акс садо

МАМЛАКАТИМИЗ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ НУФУЗЛИ АНЖУМАН САМАРАДОРЛИГИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ

Ҳозиргача бутун дунёнинг диққат марказида бўлиб келаётган ШХТнинг Самарқанд саммити гоёта сермасхуллиги ва самарадорлиги билан тузилма тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бироқ ушбу анжуман ҳақидаги фикрлар шу билан ниҳоя топгани йўқ, аксинча, халқаро институтлар экспертлари, сиёсатшунос ҳамда иқтисодчиларнинг таҳмин ва башоратлари оқими ҳали-ҳануз давом этаётир.

Бу бежиз эмас, албатта. Саммит доирасида қабул қилинган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси ҳамда 44 та турли хужжат, яъни битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар таҳлилчиларни шунга ундамоқда. Аввало, ушбу рақамларнинг ўзидек ташкилот тарихидagi рекорд кўрсаткич эканлигини кўрсатиб турибди. Уларнинг мазмун-моҳияти ва дунё учун аҳамияти эса янада салмоқлидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, пандемия ва глобал инкироз оқибатларига қарамасдан, раислик режаси доирасида 80 дан ортқк йирик тадбирлар ўтказилгани саммит самарадорлигига муҳим аҳамият касб этди. Саммитда ахборот-коммуникация технологиялари, озиқ-овқат хавфсизлиги ва камбағалликни қисқартириш соҳаларидаги ҳамкорликнинг янги формат ва механизмлари ишга туширилди. Иқтисодиёт, саноат, инновациялар, туризм, соғлиқни сақлаш, халқ дипломатияси, гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг тадбиркорлигини илгари суриш борасидаги долзарб масалалар бўйича форумлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар Самарқанд саммити натижадорлигини таъминлаш боробарида, ташкилотнинг болларга қўшилмаслик мақомини, оқиллиги ва халқаро ҳамкорликка йўналтирилгани ҳамда хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига собитлигини сақлаб қолди.

Юртбошимиз ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ гоғлар ва амалий ташаббусларни илгари сураб

экан, бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш тақлифини билдирди. Бу дастурий хужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жаҳасини қамраб олиш, узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилди.

Саммитда иқтисодиёт, савдо, инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда Президентимиз томонидан ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда тузилманинг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, аъзо мамлакатлар махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, ҳар йили тузилманинг йирик савдо ярмаркасини ўтказиш ва унинг негизида ягона электрон платформа яратиш тақлифлари илгари сурилди.

Тарихдан маълумки, транспорт коммуникацияси ва йўллар нафақат манзиллар, балки эллар ва дилларни бир-бирига боғлайди. Йўл билан бирга манзилларга тараққиёт, юқори сифатли инфратузилма кириб келади, аҳоли фаровонлиги ошади. Шу боис ШХТ маконида транспорт бўйича ўзаро боғлиқликни кучайтириш зарурлиги эътибор қаратилди. Президентимиз БМТ кўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш ташаббусини илгари суриди.

Қолаверса, мамлакатимиз етакчиси Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши тўғрисида уч томонлама битим имзолангани тарихий воқеа сифатида баҳолаб, стратегик жиҳатдан яна бир муҳим



лойиҳа — Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чакирди. Ушбу тақлиф замирида қўшни Афғонистонни террористик радикал кучлар ва қарашлар ҳамда наркотажиддан холи кўриш, афғон элининг барқарор ривожланиш йўлига ўлиши ҳамда Марказий Осиё иқтисодий тараққиётга кучли импулс беришига умид ва мустаҳкам ишонч мужассам.

“Афғон халқи яхши қўшничилик ёрдамимизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Биз ўтмишдаги хатоларни такоррамаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз керак”, деди давлатимиз раҳбари. Шу муносабат билан Термиз шаҳридаги транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд таъсис қилини тақлиф этди.

Самарқанд саммити ШХТнинг сайёрамиздаги нуфузли ва халқаро май-

да ҳириклар мақомини бериш бўйича жараёнларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Саммитда мамлакатимиз раҳбарининг тақлифлари иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари, ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш заنجирларини таъминлаш, глобал озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлаш, энергетик хавфсизлигини йўлга қўйиш, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдосидаги ҳамкорликнинг ҳадли асослари, ШХТ мамлакатларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ҳамкорлиги дастури, аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ўртасидаги саноат кооперациясини рағбатлантириш дастури каби ташкилот маконида иқтисодий барқарорликка хизмат қилувчи бир қатор хужжатларда ўз ифодасини топди.

Умуман олганда, нафақат мамлакатимиз, балки ШХТ маконидаги барча давлатлар манфаатларини ифода этувчи мазкур хужжатлар асосида қатор лойиҳалар ва дастурлар ижрога қаратилиб, шу орқали минтақада тинчлик-осойишталик барқарорлиги таъминланади. Аҳоли турмуш даражаси янада ошади. Нуфузли анжумандан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида шундан иборатдир.

Қобул ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БИР-БИРИНИ ЎЗARO ТўЛДИРИБ БОРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Самарқандда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ШХТ фаолиятининг муҳим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Нуфузли анжуманда Президентимиз конструктив мулоқот ва кўп томонлама ҳамкорлик ифодаси бўлган ушбу мажлисдан қўзланган асосий масалаларга тўхталиб ўтди.

Хусусан, бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти таркиби кенгайиб, шериклик муносабатлари ривожланиб бораётганлиги ургу берилди. Хусусан, Эрон Ислон Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум, шунингдек, Миср Араб Республикаси ҳамда Қатар давлатига мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш тўғрисидаги меморандумлар имзолангани ҳамкорлик доирасининг кенгаётганини билдиради.

Шунингдек, Беларусь Республикасига ШХТнинг тўлақонли аъзоси, Бахрайв Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва Мьянма Иттифоқи Республикасига — мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш юзасидан процедураларни бошлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

ШХТ мамлакатлари иқтисодиётларининг бир-бирини ўзаро тўлдириб боришдаги афзалликлари ҳисобга олинган ҳолда, мавжуд салоҳиятни максимал даражада ошириш кўзда тутилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини

шакллантиришни тақлиф этгани айни мудида бўлди.

Ушбу ҳамкорликнинг асосий вазифаси савдо ва боғжона тўсиқларини бартараф этиш, кафолатланган ва барқарор ишлаб чиқариш ва таъминот заنجирларини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга қаратилган қўшма дастурларни рағбатлантириши билан аҳамиятлидир.

Саммитда савдо-иқтисодий йўналишлардаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида ургу берилди. Бу бежиз эмас, яъни мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклигини аналтади. Саммит доирасида имзоланган хужжатлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолигини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Фохриддин САМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Фойдаланилмаган резервларни юзага чиқарди

Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри охириги уч йилдаги энг йирик тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига мезбонлик қилди.

Мазкур нуфузли саммит доирасида иштирок этган давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари ўзаро ҳамда кўп томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар ва кўплаб бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказгани мамлакатларимиз тақдирига ижобий таъсир кўрсатадиган муҳим алоқалар ўрнатилишига хизмат қилади.

Саммитнинг биринчи кунини Ўзбекистон ва ҳамкор давлатлар раҳбарлари ўртасида музокараларга бой ўтди. Ўзбекистон ҳамда Хитой ҳамкорлиги, асосан, 4 та йўналишда — автомобил-созлик, “яшил энергетика”, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмага қаратил-

ган бўлса, Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликдаги қатор ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошлаш ҳақида уч томонлама битим имзолангани ушбу давлатлар муносабатларини янада мустаҳкамлайди.

Бундай келишувлар пандемия даврида узилиб қолган транспорт логистикасини қайта йўлга қўйиш, ўзаро ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Замонавий инфратузилма объектилари пайдо бўлишига, юқори технологик иш ўринлари

қўлайлишига, пировардида аҳоли фаровонлигини янада яхшилашга замин яратади.

Самарқанд саммитида Эрон Ислон Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум ҳам имзоланди. Охириги йилларда Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши унинг мақомини оширган бўлса, Эроннинг тузилмага қўшилиши орқали ташкилот миқёси янада кенгайди.

Умуман, ШХТнинг Самарқанд саммити янги истиқболларни очади. Ташкилотга аъзо давлатларнинг фойдаланилмаган резервларини юзага чиқаради, имкониятлар эшиклари очилади. Бу мазкур ташкилотга аъзо давлатларни кучайтиради ва жипсластиради.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

3 540 ГЕКТАР ПАХТА МАЙДОНИДА

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ НЕГА ЖОРИЙ ЭТИЛМАДИ?

Далага бориб ҳозир нима муҳимлигини сўрасангиз, фермер, сувчи ёки мироб ҳам "сувнинг доимий бўлиб тургани муҳим", дейишади. Глобал иссиқ оқибатида тоғларда заҳира музларнинг эриши жараёни бошланганига анча бўлди. Шундай экан, асосий сув манбаи кўшни давлатлар бўлган Фарғона вилояти учун сув тежовчи технологияларга ўтиш давр талаби.

Қарор ва ижро

Сув тежовчи технологияларни жорий этишни пайсалга солиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини суғориш қийин бўлган ерларга эга фермерлар ачинаши билан айтиб келмоқда. Бу борада тури музларнинг эриши жараёни бошланганига анча бўлди. Шундай экан, асосий сув манбаи кўшни давлатлар бўлган Фарғона вилояти учун сув тежовчи технологияларга ўтиш давр талаби.

Суғориш тизимини жорий қилиш белгиланган. Бирок бугунги кунда вилоят бўйича 12 минг 567 гектар — режадагига нисбатан 60 фоиз, хусусан, 9 380 гектар (50 фоиз) майдонда қурилиш ишлари амалда бўлиб, шундан 5 минг гектар (режадагига нисбатан 45 фоиз) майдонда қурилиш ишлари якунланди. Бугунги кунга қадар вилоят миқёсида 50 та талабгорнинг 2 371 гектар, шундан 15 та талабгорнинг 900 гектар пахта майдонида жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун белгиланган тартибда субсидия маблағларини олиш бўйича "Агро-субсидия" ажборт тизимига онлайн ариза топширилди.

Бу йил вилоят бўйича режадаги 11 минг 100 гектар пахта майдони нисбатан 4 199 гектар (38 фоиз) майдонда молиялаштириш ишлари амалда бошланган бўлиб, шундан 5 минг гектар (режадагига нисбатан 45 фоиз) майдонда қурилиш ишлари якунланди. Бугунги кунга қадар вилоят миқёсида 50 та талабгорнинг 2 371 гектар, шундан 15 та талабгорнинг 900 гектар пахта майдонида жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси учун белгиланган тартибда субсидия маблағларини олиш бўйича "Агро-субсидия" ажборт тизимига онлайн ариза топширилди.

Марказий Фарғона чўл ерларининг "Оптирик Зебо замини" фермер хўжалиги даласида ёмғирлатиб суғориш технологияси ўрнатилган ерларда Туркиянинг "Йилдирим агро-5" қурилиш ташкилоти томонидан бажарилаётган ишларни кўриб қувондик. Фермер энди 85 гектар ерини ёмғирлатиб суғоради. Бундан буён беда, маккажўҳори, бошоқли дон экинлари ҳам ёмғирлатиб суғориш технологияси ёрдамида етиштирилади.



9 196 гектар пахта майдони учун Давлат бюджетидан субсидия ажратилган бўлса-да, бугунги кунга қадар 8 250 гектар (90 фоиз)ида технологиядан фойдаланилмади.

ЎТТИЗ НАФАР ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Айни пайтда ўрта махсус маълумот билан маҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари ҳам белгиланган имтиёз асосида суҳбат орқали талабалар рўйхатидан ўрин олиш имкониятига эга.



Наманган вилоятида ҳам 30 нафар ҳоким ёрдамчиси ана шу имкониятдан фойдаланиб, талабалар сафидан ўрин эгаллади. Бунинг учун Наманган муҳандислик-технология институтида алоҳида қабул жараёни ташкил этилди. Суҳбат асосида талабаларнинг таълим мотивацияси, таълим мотивация беради, — дейди Чортоқ туманидаги Балликўл маҳалласида ҳоким ёрдамчиси вазифасида меҳнат қилаётган Абдуҷаҳор Олимжўраев. — Ишдан ажралмаган ҳолда институт сабогини олиб, олий маълумотга эга бўламиз. Эндиликда олдимизда катта вазифа — ушбу билдирилаётган ишончни

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Реклама

ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ (IFB)

2022 йил 9 сентябрь
Ўзбекистон

«Электр энергетикаси секторини трансформация қилиш ва барқарор электр энергиясини узатиш лойиҳаси»
ЎЗМЭТ узатиш тизимида электр энергиясининг оммавий ҳаракатини мониторингдан ўтказиш, назорат қилиш ва назоратни модернизациялаш учун ускуналар ҳамда тизимларни лойиҳалаш, ўрнатиш,

ишга тушириш ва синовдан ўтказиш учун.
SCADA/EMS/RTU ва телекоммуникация тизимларини модернизациялаш
Кредит №: IDA 6943-UZ, Scale-up window 6944-UZ
IFB Name: SCADA/EMS/RTU and Telecommunications
IFB №: RFB/SCADA/2021

Банк номи:
«Ўзсаноатқурилишбанк» ҳудудий филиали
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш, Осиё кўчаси, 42-уй.
Банк коди: 00440
SWIFT: UJSIUZ22

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги электр тармоқларини ўзгартириш ва барқарор электр узатиш лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкисидан кредит, шунингдек, Яшил иқлим жағфарисидан грант маблағларини олди. Ушбу кредит маблағларининг бир қисми RFB / SCADA / 2021 шартнома(лар) бўйича тўловлар учун ишлатилади.

лоийҳалари, товарлар, ишлар, консалтинг ва консалтинг хизматларини молиялаштириш доирасидаги харидлари, тўртинчи нашр, 2020 йил ноябрда кўрсатилган Халқаро танлов савдолари (RFB) тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда ўтказилади. Ушбу қоидаларда белгиланганидек, кўйидаги минимал мувофиқлик мезонларига ва Тендер таклифи спецификациясининг (BDS) 6.1(а) бандида кўрсатилган бошқа мувофиқлик мезонларига жавоб берадиган барча талабгорлар учун очикдир.

бўлмаган, ҳар бир шерик 25% ва биргаликда 100% қийматида фойдаланиш имкониятини кўрсатиши керак.

7. Мурожатлар матн охирида кўрсатилган манзилга 2022 йил 15 ноябрь маҳаллий вақт билан соат 11:00 дан кечиктирилмаган ҳолда топширилиши керак. Электрон савдога йўл қўйилмайди. Келиб тушган таклифлар 2022 йил 15 ноябрь маҳаллий вақт билан соат 11:00 да очилади, ушбу жараёнда иштирок этишни хоҳловчи қатнашчиларнинг вакиллари матн охирида кўрсатилган манзилга келишлари керак бўлади.

2. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ (ЎЗМЭТ) лойиҳа бўйича ижрочи агентлик вазифасини бажарувчи сифатида иштирок этади, айни дамда ускуналар ва тизимларни, жумладан, SCADA, EMS, RTU ва телекоммуникация лойиҳалаш, ўрнатиш, ишга тушириш ва синовдан ўтказиш ЎЗМЭТ узатиш тизимида электр энергиясининг оммавий ҳаракатини мониторингдан ўтказиш, назорат қилиш ва назоратни модернизациялаш бўйича ваколатли қатнашувчилардан муҳрланган таклифларни қабул қилмоқда.

— Савдо иштирокчиси, агар у битта юридик шахс бўлса, охириги уч молиявий йил давомида тугалланмаган ёки тугалланган шартномалар бўйича олинган тасдиқланган тўловларнинг умумий миқдори сифатида ҳисобланган кўйидаги минимал ўртача йиллик айланмани кўрсатиши керак:

ва бу шартнома муваффақиятли ҳамда сезиларли даражада якунланган ва таклиф қилинган ажборт хизматларига ўхшаш бўлиши керак. VII (Техник талаблар) бўлимда тавсифланганидек, мураккаблик, ускуна ва тизимнинг ишлаш талаблари, қурилиш усуллари, технологиялари ўхшаш бўлиши лозим.

8. Таклифлар қимматли қоғозлар билан таъминланиши керак. Таклиф қафолатлини талаб қиладиган сумма миқдори АҚШ долларларида ёки эркин конвертация қилинадиган валютада бўлиши жоиз, эквивалент миқдори:

4. Тендер Жаҳон банкининг IPF қарз олувчилари учун харид қилиш қоидалари, инвестиция

ЎЗМЭТ узатиш тизимида электр энергиясининг оммавий ҳаракатини мониторингдан ўтказиш, назорат қилиш ва назоратни модернизациялаш бўйича ваколатли қатнашувчилардан муҳрланган таклифларни қабул қилмоқда.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Банкдаги ҳисоб рақами: 20210840905062611001 (USD)

Почта индекси: 100084
Телефон: +998-71-236-66-33;
+998-71-208-56-39;
+998-71-236-66-28.
Электрон почта манзили: scada@uzbekistonmet.uz neguscada@gmail.com m.lorenmax@outlook.com

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ажборт ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.